

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

*Дилором ХУДОЙҚУЛОВА,
Сурхондарё вилояти Қумқўрғон
тумани адлия бўлими ходими*

Бугунги кунда экологик муҳитни муҳофаза қилиш, она табиатни асраш, турли экологик муаммоларни бартараф этиш дунё миқёсидаги глобал масалалардан бирига айлангани сир эмас. Атроф-муҳит ободлигини сақлаш, табиатни муҳофаза этишда халқимиз, айниқса, ёшлар маъсулиятини ошириш жуда муҳим вазифа саналади. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси 49-моддасида ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга, давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик

назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади, деб белгилаб қўйилган.

Бу борада, айниқса, адлия органлари томонидан олиб борилаётган экологик ҳуқуқий тарғиботишларимухимаҳамиятга эга. Жумладан, экологик вазиятни барқарор бўлишини таъминлаш учун қабул қилинган янги қонун ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилиши, ижрочиларга тарқатиш ҳамда қонунлар билан қабул қилинган афзаликларнинг мазмун-моҳияти ва аҳмиятини аҳолига доимий равишда тушунтиришнинг самарали механизмлари белгилаб олинган.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича тадбирларни мониторинг қилиш ва баҳолашнинг асосий мақсади - аҳолининг ҳуқуқий

онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг самарадорлигини ошириш, бу борада давлат органлари ва ташкилотларнинг масъулиятини кучайтириш ҳамда ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш бўйича янги инновацион услубларни жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ этишдан иборат.

Аҳолининг экологик онгини ривожлантиришда экологик ҳуқуқий тарғибот муҳим ўрни тутади. Ушбу тарғибот ва ташвиқот ишлари орақали адлия органлари аҳолида атроф муҳитни асраш ва қонунларни ҳурмат қилиш туйғусини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик вазиятни барқарорлаштиришга хизмат этувчи ҳар бир ишимиз келажакка қўйилган ҳақиқий сармоядир.

Маълумки Тошкент шаҳри ҳам оғир экологик вазиятда бўлган шаҳарлар сирасига киради. Европада узоқ вақтдан буён шаҳарларни экологик тозатутишга интилишади, чиқиндиларни қайта ишлаш муаммосига жиддий



ёндашишади, муқобил энергия манбалари изланади, бу ҳақда фильмлар суратга олинади, бирор муаммо пайдо бўлса матбуот ва жамоатчилик дарров бонг уради, бир сўз билан айтганда ҳақиқий экологик тарғибот олиб борилади. Бизда ҳам бу борада бир қатор амалий ишлар қилинмоқда. Масалан, байрамлар олдидан “умумхалқ ҳашар”лари уюштирилади ёки “Автомобилсиз бир иш куни” каби тадбирлар йўлга қўйилмоқда, лекин, албатта, бу ҳали етарли эмас.

Экологик муаммони ҳал этишда, биринчи навбатда, инсон онгида тоза ҳаёт, инсонларни атроф-муҳитни асрашга доир муносабатини ўзгартириш лозим. Мамлакатимизда экологик вазиятни яхшилаш бугунги кунда ташқи ва иқтисодий сиёсат каби асосий масалалардан



бирига айланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан буборада қатор фармон ва қарорлар қабул қилингани муҳим аҳамият касб этоқда. Бунга биргина “Яшил макон” лойиҳаси яққол мисол бўла олади.

Давлатимиз раҳбарининг ПФ-199-сонли фармонида 2025 йил Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш” ва “Яшил” иқтисодиёт умумиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорликни таъминлаш, “Яшил макон” умумиллий лойиҳаси доирасида 588 гектар «яшил боғлар», 662 гектар «яшил жамоат парклари», Бухоро, Нукус, Хива ва Урганч шаҳарлари атрофида жами 40

км масофада «яшил белбоғ»лар барпо этиш режалаштирилди ва фуқароларнинг ушбу лойиҳага актив қатнашиши тарғиб қилинди.

«Яшил макон» лойиҳасига ажратиладиган маблағнинг камида ярми жамоатчилик фикри асосида шаклланган лойиҳаларга йўналтирилади. Экологик ҳуқуқий тарғибот мақсадида ўтказилаётган “Энг яшил маҳалла” танлови аҳоли фаоллигига қаратилган. Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаган тартибда ҳар йили «Энг яшил маҳалла» танловини ўтказиш ва танлов натижалари бўйича ғолиб бўлган 14 та маҳаллани экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан дарахтлар экиш ва суғориш, «Яшил жамоат парки»ни

яратиш учун жами 500 миллион сўм мукофот билан тақдирлаш, ўзини-ўзи бошқариш органларига хизматда фойдаланиш учун 1 тадан электромобиль топшириш чораларини кўриш назарда тутилган.

Дарахт кўчатларини экиш, ҳудудларни кўкаламзорлаштиришда аҳоли манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида автомобиль, темир йўл, дарё ва каналлар бўйлари, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ер участкаларининг фойдаланилмаётган қисмида (ўрмон фонди ерлари бундан мустасно) «яшил боғлар» барпо этиш белгиланган. Ушбу ерлар эгалари, фойдаланувчилари ҳамда ташаббускор жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тўғридан-тўғри тузиладиган икки томонлама шартнома асосида 10 йилгача йўл бўйида дарахт кўчатларини камида 5 қатордан экиш, парвариш қилинган дарахтларнинг йилига 30 фоизидан ошмаган қисмидан саноат ва қурилиш мақсадида фойдаланиш, ер участкаларини республика ва маҳаллий ижро

этувчи ҳокимият органларига «Яшил боғ» барпо этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш каби янги имкониятлар берилди.

2023 йил охиригача ҳар бир давлат ташкилоти ва ҳокимликлар ўз боғларини яратиши, 2024 йил 1 январдан бошлаб уй шароитида дарахт ва бута кўчатларини етиштириш фаолияти билан шуғулланган шахслар ўзини-ўзи банд қилган ҳисобланиши ҳамда “Яшил тўлов” платформаси жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари бўйича кўчат ва буталар экишни ташкил этишни қўллаб-қувватлаш мақсадида электрон тўлов тизимлари фойдаланувчилари ва бошқа истеъмолчиларнинг ихтиёрий хайрия бадалларига хизмат кўрсатиш учун жорий этилиши белгиланди.

Президентнинг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикаси «Яшил» иқтисодиётга ўтишга қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2030 йилгача мўлжалланган «Яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил»

Ўсишни таъминлаш дастурида иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15% ошириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоиздан кўпроғига етказиш, саноат соҳасида энергия самарадорлигини камида 20 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия сарфи ҳажмини, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига 30 фоизга камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологиясини жорий этиш каби вазифалар белгиланган. Бундан ташқари йилига 200 миллион кўчат экиш ва кўчатларнинг умумий сонини 1 миллиарддан ошириш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни



30 фоиздан ортиқроққа кенгайтириш, республика ўрмон фонди захиралари кўрсаткичинини 90 миллион куб метрдан ортиқроққа етказиш, ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоиздан ошириш каби мақсад ва вазифалар ана шулар жумласидандир.

Президентнинг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги (2023 йил 31 майдаги 81-сон) фармониға мувофиқ, 2023 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида «Жамоатчилик экология назоратчиси» тизими жорий қилинди ҳамда Вазирлик,

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, ҳокимликлар томонидан халқаро тажриба асосида республиканинг барча ҳудудларини экологик баҳолаш бўйича индикаторлар асосида «eco-indicator.uz» рейтинги шакллантирилди ва ҳар бир ҳудуднинг экологик паспорти эълон қилинади ва Миллий табиий мерос объектлари рўйхати жорий этилмоқда.

“Яшил макон” миллий лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳри ҳудудида эксперимент тариқасида дарахт паспорти жорий этилади ва тажриба натижаларига кўра республиканинг бошқа ҳудудларида дарахт паспортларини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, “Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони (ПФ–5-сон, 04.01.2024-у) қабул қилинди. Фармон билан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини фото ва видео қайд этиш воситаларини ўрнатган тадбиркорларга экологик

ҳуқуқбузарликларни ҳам қайд этиш ва Давлат экологик назорат инспекциясига хабар бериш ҳуқуқи берилди. Бунда тадбиркор жарима сифатида ундирилган маблағнинг 20 фоизи миқдорида пул билан рағбатлантирилиши ҳам белгиланган.

Адлия органлари томонидан аҳолининг экологик ҳуқуқий онгини ривожлантиришда аҳоли ўртасида сўровлар ўтказилади. Сўровлар натижалари бўйича мамлакатимизда ўтказилаётган танловлар ҳақида аҳолининг хабардорлик даражаси ҳали паст эканлиги аниқланди. Ваҳоланки, ҳар йили энг узоқ (камида 10 йил) ва садоқатли хизмат кўрсатган санитар тозалаш корхоналари ходимлари учун “Табиат уйғунлиги ҳимоячиси” танлови ўтказилади.



Адлия органилари каби таклифлар ана шулар томонидан ўтказилган жумласидандир. Экологик ҳуқуқий тарғибот Хулоса қилиб айтганда, натижасида аҳолиси ўртасида экологик ҳуқуқий тарғибот ўтказилган сўровлар асосида тадбирларини ўтказишдан атроф-муҳит ифлосланишини атроф-муҳитни яхшилаш, камайтиришнинг қатор тиклаш ва муҳофаза қилиш, усуллари таклиф этилган. АИ-80 бензинидан фойдаланишни экологик мувозанатни сақлаш ва камайтириш, катта шаҳарларда аҳоли ўртасида атроф-муҳитга оғирлиги 3,5 ва 12 тоннадан ортиқ зарарли таъсир кўрсатилишига юк автомашиналарини куннинг йўл қўймаслик мақсад этилган. энг юқори вақтида (эрталаб соат Шундай экан, ҳар қандай соғлом 07:00 дан 10:00 гача ва 17:00 дан инсон онгли равишда атроф-20:00 гача) ҳаракатланишини муҳитга бефарқ бўлиши мумкин чеклаш, электр транспорт эмас. Қолаверса, бу бир ёки икки воситаларига ўтиш учун турли шахс, идоранинг эмас, балки кенг имтиёзлар бериш, хорижий жамоатчиликиши ва вазифасидир. тажрибага асосланиб (Хитой тжрибаси) йўл тирбандлигини камайтириш учун “тоқ ва жуфт” кунларни бошқариш қоидасини жорий этиш, шаҳарнинг муҳим кўчаларида автомашиналарсиз зоналар ташкил этиш, жамоат транспортини тўлиқ электр, газ баллонли ёқилғига ўтказиш, сунъий сув ҳавзаларини қуриш, тупроқ зарралари кўчишининг олдини олиш учун “Яшил белбоғ”лар барпо этиш, ҳаво сифатини эълон қилиб борадиган табло ва мониторлар ўрнатиш

